



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 2454-5962-2ebe-bf44-e2a0-2499-0951
Ҳужжат яратилинган сана: 2022-03-14
Ариза рақами: 46167481

Ҳужжат берилган: "MEMORIAL ARCHITECTURAL
PROJECT" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
Қабул қилувчининг идентификация рақами:
304613554

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи
органининг

14.03.2022 даги 37953 -сонли

ХУЛОСАСИ

т/ р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	46167481
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"MEMORIAL ARCHITECTURAL PROJECT" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"VVV NOVA STROY" МЧЖ
4.	Объект манзили:	Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 96/1-уй
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	Эскизный проект по реконструкции бизнес центра и гостиницы (apart hotel)
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	31.08.2021 й. 1726-1726290-27681 -сон

Лойиҳани кўриб чиқиш бўйича хулоса: Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 96/1-уй манзилда мавжуд бинони бизнес маркази ва меҳмонхонага қайта ихтисослаштириб реконструкция қилиш эскиз лойиҳаси АРТ талаблари ва ШНК 2.07.01-03* меъёрлари асосида қурилиш чизигини ва мавжуд бинолари билан оралиқ масофалар сақлаш, қўшимча автотураргоҳ ташкил этиш, Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Санитария эпидемиологик осойишталик маркази, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси хулосалари талабларини бажарган ҳолда, юқори қаватларини меҳмонхонага қўйиладиган талаблар асосида лойиҳалаш шарти билан лойиҳа ишларини давом эттириш учун келишилди. Қурилиш режалаштирилган бинода углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, муҳандислик тармоқларини ҳам инobatга олиш, тавсия этилади. Хулоса ўрнатилган тартибда меъёрий ҳужжатларга амал қилинган ҳолда лойиҳа ишларини давом эттириш ва расмийлаштириш учун берилди. Ушбу хулоса қурилиш ишларини олиб боришга асос бўлмаслигини ва хулоса талаблари бажарилмаган тақдирда ўз кучини йўқотишини билдирилади.;

АСОС:

Худудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 май кунидаги 370-сонли “Архитектура ва Қурилиш соҳасида Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг 4-маъмурий илова “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан “my.gov.uz” ЯИДПХ портали орқали келиб тушган 35957531-сонли мурожаатни ўрганиб чиқиш бўйича хулоса “NPTS Masshtab Proyekt Stroy” МЧЖга 08.09.2021 йил 23/11-3674-сонли Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 май кунидаги 370-сонли “Архитектура ва Қурилиш соҳасида Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг 4-маъмурий илова “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан my.gov.uz ЯИДПХ портали орқали келиб тушган 35957531-сонли мурожаатга асосан Яшнобод тумани Тараққиёт кўчаси 3-6-уйлар олдида “Меҳмонхона, бизнес маркази ва кўп қаватли турар жой биноси”ни қуриш учун ишлаб чиқилган дастлабки эскиз лойиҳаси хизмат ваколоти доирасида ўрганиб чиқилди. Қуйида келтирилган ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган тадбирларни бажариш шарти билан қурилиш ишларига эътироз билдирилмайди, - - қурилиши мўлжалланаётган бинолар қўшни худудда жойлашган бинолар билан оралиқ масофалари амалдаги ШНҚ 2.07.01-03* (Шаҳарсозлик) меъёрий ҳужжатининг 1-мажбурий илова (ёнғинга қарши талаблар), 15-банд, 1 ва 44-жадвалларига асосан амалга оширилсин; - қурилиши режалаштирилаётган меҳмонхона, бизнес маркази ва кўп қаватли турар жой биносининг ёнғинбардошлик даражаси II-дан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова; - қурилиш ишларини амалга оширишдан аввал чегарадош худудда жойлашган турар жой эгаларидан розилик хатлари олинсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик”, 26*-банди; - ажратилган ер майдонида лойиҳалаштирилаётган меҳмонхона, бизнес маркази ва кўп қаватли турар жой биноси атрофида автомобил йўли четидан бинони деворигача бўлган масофа энг камида 8 м қабул қилинсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова, 15-банди; - қурилиш учун ажратилган ер майдонини қурилиш ишлари тугаллангандан сўнг темир панжара ва бошқа турдаги тўсиқлар билан ўрамаслик. Асос: ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик” 1-мажбурий илова 15-банди; - биноларнинг баландлиги 28 метрдан баландни ташкил этганлигини инобатга олиб, Н1 (тутун билан қопланмайдиган) турдаги зинапоялар ташкил этилиши. Асос: 5.29-банд, ШНҚ 2.08.01-05; - хар бир қават йўлакларига ички ёнғин ўчириш сув тармоғи ва кранларини ўрнатиш ҳамда керакли воситалар (сув босимини кўтариб берувчи насослар, масофадан насосларни бошқариш пульти) билан тўлиқ жихозлаш. Асос: 5.32-банд, ШНҚ 2.08.01-05; - автомобиллар сақлаш тураргоҳлари ёнғинни автоматик равишда сезиш ва хабар бериш, ҳамда ўчириш тизими билан жихозланишини; - хар бир қават (ертўла қавати ҳам) ва хонадонлар йўлакларига ёнғинни сезувчи ва хабар берувчи мосламаларни ўрнатиш. Асос: 5.32-банд, ШНҚ 2.08.01-05; -хонадонларга ўрнатилиши режалаштирилаётган газ мосламаларига СО, СО2 ва СН4 газларини аниқловчи газ анализаторлари ва қайтарувчи клапанлар ўрнатилишини; Юқорида кўрсатилган тадбирларга амал қилган ҳолда Архитектура режалаштириш топшириғи ва меҳмонхона, бизнес маркази ва кўп қаватли турар жой биноси қурилиши бўйича ишчи лойиҳалари ишлаб чиқилиши, ШНҚ 1.03.01-16 меъёрий ҳужжатининг 5.9-банди талабларига асосан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини барча бўлимларини ёнғинбардошлилик ва зилзилабардош-лилик бўйича экспертизадан ўтказилиши. Ушбу кўрсатиб ўтилган ёнғин ва фавқулодда вазиятларни олдини олишга қаратилган тадбирларни бири бажарилмаган тақдирда ушбу хулоса ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Б.Разиков;

Худудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Давлат экологик экспертиза тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 541-сонли қарорига мувофиқ, Юқорида баён этилганларга асосан ва келтириб ўтилган Қонун талаблари ижросини таъминлаш мақсадида ўрнатилган тартибда давлат экологик экспертизасининг хулосасини олишингиз учун, атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари (ЗВОС) лойиҳасини Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига тақдим этишингиз кераклигини ва Ўзбекистон Республика Президентининг “2030 йилгача бўлган давлат Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони, Ўзбекистон Республика Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, ҳудуддаги мавжуд бўлган дарахтларни сақлаб қолиш шартлигини маълум қиламиз.;

Худудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: -0350-17сонли “Ўзбекистон Республикасининг Аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” санитария коида ва меъёрлари; -0339-16сонли “Ўзбекистон аҳоли пунктларини ривожлантириш ва режалаштириш” санитария коида ва меъёрлари; -0331-16сонли “Ўзбекистоннинг иклим шароитида турар-жой биноларини сақлаш учун мосламалар буйича санитария коидалари ва дизайн меъёрлари” талаблари бўйича санитария химоя минтақасига риоя этилиши; 2.08.01-05-сонли ШНҚ турар жой бинолари ҳужжатлари талаблари бажарилиши ҳамда 2.01.05-98-сонли КМК “Сунъий ва табиий ёритилиш ” талаблари бўйича табиий ва сунъий ёритилганликни бинонинг барча хоналарида тўғри ташкил этишга тавсия берамиз. Иш жараёнида юқорида курсатиб утилган қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширишингизни талаб қиламиз. Тошкент шаҳар СЭО ва ЖСХ бошқармаси Яшнобод туман бўлими бошлиғи: Ф.Н.Нурматов (98)362-08-01 ижрочи: Умарова Н.Б.(99)885-66-96;

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси бошлиғи: М.М.Махкамов;

Бош архитектор: М.М.Махкамов;

МАХКАМОВ МУРОД МУХТОРОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини hero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

4293

